



СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИКА БОШЛАГАН

25 сентябрь 1970 йил, жума

224 (14.690). Баҳоси 2 тийи.

ОЙ ТУПРОҒИ ЕРГА КЕЛТИРИЛДИ

Бу совет фани ва техникасининг
яна бир катта ғалабасидир

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА
СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА
СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

«Луна-16» автомат станциясини яратиш, учирish ва унинг парвозини амалга оширишда қатнашган биз, олимлар, конструкторлар, инженерлар, техниклар ва ишчилар КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиумига, СССР Министрлар Советига қуйидагиларни маълум қиламиз: Автомат аппарат бошқа самовий жисмага учирish, унинг тупроғи, дон намуна олиш, ерга қайтиб келиш каби принципиал янги вазифа жажон космонавтикасида биринчи марта муваффақиятли ҳал этилди. Бу билан Ойни ва Куйш системасидаги планеталарни автомат аппаратлар ердамида бундан бундан ҳам тадриқ этиш йўлида кенг истибоблар очилди.

Ерга қайтиб келадиган космик ракетаси бўлган автомат станцияни Ойга қўндиришнинг практикада биринчи марта тадриқ этилган усули самовий жисмаларнинг турли районларини ишончли ва иқтисодий жиҳатдан фойдали усуллар билан систематик равишда ўрганиш вазифасини ҳал этиш имконини беради.

«Луна-16» автомат станциясининг парвози давомида янги конструкциянинг ишлаш қобилияти, унинг голт мушаклиги ва конструкциянинг мушаклиги тўғрисида тадриқ учун юқари муҳим маълумотлар олинди. Бу аса келажак космик техникасининг мукамил нусхалари конструкциясини яратиш ва уларни ағуқда келтиришда янги имкониятлар очиб беради.

Биз меҳнатимизни тинмай қўллаб-қувватлаётганликларни, ана шу қийин ва масъулиятли вазифани бажаришда бизга юксак ишонч билдирганликларни учун жонанон Коммунистик партиядан, Совет ҳукуматидан ва бутун халқимиздан астойдил миннатдоримиз.

Биз, «Луна-16» автомат станциясини яратувчилар совет фани ва техникасининг ана шу ютуғини халқимизнинг ҳаётидаги шонли воқеа — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг бўлажак XXIV съездида баъишлаймиз. «Луна-16» автомат станциясининг парвози Коммунистик партиянинг таъкилотчиси ҳамда жажонда биринчи ишчи ва деҳқонлар давлатининг асосчиси В. И. Ленин тугилган кунининг юз йиллиги билан бир вақтга тўғри келганидан фойдаланамиз.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, Совет ҳукуматини ва бутун совет халқини ишонтириб айтганимиз, улуг Ватанимизнинг бахт-саодати йўлида, бутун инсониятнинг манфаатлари йўлида космосни тобора ўзлаштириш соҳасида янги вазифаларни амалга ошириш учун зўр бериб ҳаракат қилаверамиз.

«ЛУНА-16» АВТОМАТ СТАНЦИЯСИНИ ЯРАТИШ
ВА УНИНГ ПАРВОЗ ҚИЛИШ ПРОГРАММАСИНИ
АМАЛГА ОШИРИШДА ҚАТНАШГАН ОЛИМЛАР,
КОНСТРУКТОРЛАР, ИНЖЕНЕРЛАР, ТЕХНИКЛАР,
ИШЧИЛАРГА, БАРЧА КОЛЛЕКТИВЛАР ВА
ТАШКИЛОТЛАРГА

Азиз ўртоқлар!

Бизнинг маиллатимиз, совет фани ва техникаси космик фазони тадриқ этиш ва ўзлаштириш соҳасида янги, жуда катта муваффақиятга эришди.

1970 йил 12 сентябрда парвоз қилган «Луна-16» автомат станциясини учуриш вақтида бир қанча мураккаб маневрлар қилди ва Ойнинг илгаридан белгилан қўйилган районига охишта қўнди. Ой тупроғидан намуна олди, сўнгра аса шу станциядан парвоз қилган космик ракета тупроғининг ана шу намунасини Совет Иттифоқи территориясининг белгилан қўйилган районига Ерга олиб тушди.

Автомат аппаратнинг бошқа самовий жисмага учуриш, ундаги тупроқдан намуна олиб, Ерга қайтиб тушиши каби принципиал янги вазифа космосни ўзлаштириш жажон практикасида биринчи марта муваффақиятли ҳал этилди.

Космик фазони ўрганиш ва ўзлаштириш вазифалари муттасил мураккаблашиб бормоқда ва бунинг учун зарур бўлган космик техникани вужудга келтиришнинг техникаси ва иқтисодий жиҳатдан рационал вазифаларини қидириб топишни талаб этади. «Луна-16» станциясини учуриш программасининг амалга оширилиши космик фазони тадриқ этиш ва Ой ҳамда Куйш системасидаги планеталар юзасидан илмий ахборот олиш учун автомат аппаратлар қўлланишининг катта имкониятлари ва кенг истибоблари борлигини яна бир марта тасдиқлади.

Совет фани ва техникасининг космик автомат станцияларини вужудга келтириш соҳасидаги янги муваффақиятларини ишчилар синфимизнинг совет илмий-техника зифиларининг илҳомбахш меҳнати туфайли юқари кўриштиш мумкин бўлди. Ленин юбилейи йилида, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIV съездида тайёргарини даврида бу ғалабга эришилганлиги айниқса кувончлидир.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети «Луна-16» автомат станциясини яратиш ва унинг парвозини амалга оширишда қатнашган олимларни ва конструкторларни, инженерлар, техниклар ва ишчиларни, барча коллективлар ва таъкилотларини қизгин табриқлайди.

Қаҳрамон халқи, бунёдкор халқи — совет халқига шон-шарафлар! Яшасин улуг Ватанимиз бахт-саодати йўлида, коммунизм тантанаси йўлида барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва таъкилотчиси — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ТАСС АХБОРОТИ

ЗЎР КОСМИК ЭКСПЕРИМЕНТ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТУГАЛЛАНДИ

«ЛУНА-16» АВТОМАТ СТАНЦИЯСИНИНГ ЕРГА
ҚАЙТАРИБ ТУШИРИЛАДИГАН АППАРАТИ СОВЕТ
ИТТИФОҚИНИНГ МЎЛЖАЛЛАВ ҚЎЙИЛГАН РАЙОНИГА
ОХИСТА ҚЎНДИ

БУГУН, 1970 йил 24 сентябрда Москва вақти билан соат 8 дан 26 минут ўтганда «Луна-16» автомат станциясининг Ерга қайтариб тушириладиган аппарати Совет Иттифоқининг ҳисоблаб қўйилган районига — Қозоғистон ССР Жезқозгон шаҳридан 80 километр шарқи-жанубга охишта қўнди.

Ичига Ой тупроғидан намуналар солиниб, зич беркиб қўйилган контейнер жойланган Ерга қайтариб туширилувчи аппарат парашюта тушадиган пайтда қидирув комплекс воситалари уни қузатиб турди. Аппарат Ерга қўнганидан кейин вертолётда олиб кетилди, кейин у Москвага олиб борилади.

Ой жинслари солинган контейнер таҳлил қилиш ва ўрганиш учун СССР Фанлар академиясига топширилади. Таъкилотларнинг натижалари эълон қилинади.

Космик фазони ўзлаштириш тарихида биринчи марта Ой тупроғи автомат аппарат ердамида Ерга келтирилди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

24 сентябрда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисада республика Олий Советининг санациячи сессиясини ўтказишга алоқадор масалалар қараб чиқилди.

Олий Совет Президиуми республика Автомобиль транспорти министри билан Коммунал хўжалиги министри билан Олий Совет план-бюджет ва тармоқ доимий комиссияларининг тавсиялари қандай бажарилаётгани тўғрисидаги ҳисоботларини муҳокама қилди.

Шу парса таъкидлаб ўтилдики, бу министрлар Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1970 йилги давлат плани ва давлат бюджетини муҳокама қилинган вақтда

шу министрларнинг фаолиятида мавжуд бўлган ва доимий комиссиялар кўрсатиб ўтган нуқсонларни ҳали ҳам батамом тўғатганлари йўқ.

Коммунал хўжалиги министри водопроводлар, канализация шохбаси, сазлаштириш объектлари, ҳаммомлар, кирхоналар қўрилишидаги катта камчиликларни тўғатиш учун зарур чораларни кўриш топширилди.

Олий Совет Президиуми қабул қилган қарорда республика Автомобиль транспорти министри билан Коммунал хўжалиги министрига аниқланган камчиликларни тўғатиш учун зарур чораларни кўриш топширилди.

Мажлисада бошқа бир қанча масалалар ҳам муҳокама қилинди. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ- НИНГ ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРИДА

24 сентябрда Ўзбекистон ССР Олий Совети доимий комиссияларининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ССР Ер кодексини таъкилотчи комиссия томонидан ишлаб чиқилган лойиҳани қараб чиқиб, комиссиялар кодекс лойиҳасини Олий Совет муҳокамага киритишга қарор қилдилар.

Шундан кейин комиссияларнинг алоҳида-алоҳида мажлиси бўлиб ўтди. Сув хўжалиги комиссияси Андижон сув омбори қўрилишининг боришига тааллуқли ва Қашқадарё областининг аҳоли яшайдиган пунктларини қийлайдиган сув билан таъминлашга доир масалаларни қараб чиқди.

Соғлиқни сақлаш ва социал

таъминот комиссияси республика Пахта тозалаш саноати министри билан корхоналарида касб касалликларига қарши кураш тўғрисидаги масалани муҳокама қилди.

Ешлар ўртасида ишлаш ва савдо ҳамда жамоат оқватлашиши комиссиялари кишиларнинг ишчиқларига қараб клублар очишга қарор қилган Тошкент маҳаллий Советлари ва комсомол таъкилотларининг таъкиботи билан таъкилотлар, Республиканинг ижроия қўмитетларига маҳаллий Советларнинг доимий комиссияларига ана шу таъкиботи ўрганиш ва қабул қилиш тавсия этилди. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Еттинчи қаҳирқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг саккизинчи сессияси бугун соат 12 да Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Мажлис залда очилди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Мажлислар залда эрталаб соат 11 дан рўйхатга олинади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ОҚСОҚЛАР КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Оқсоқлар кенгашининг мажлиси бугун соат 11 дан 30 минут ўтганда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Мажлислар залда очилди.



Рисунг З. Леляевская чизган.

РЕСПУБЛИКАДА БИРИНЧИ

КПСС XXIV съездини муносиб кутиб олиш учун умумхалқ курашига қўшилган Бухоро райони қолхозлари республикада биринчи бўлиб 24 сентябрь кунини пахта тайёрлаш панини бажардилар. Район хўжаликлари ўз имкониятларини

чамалаб кўриб, давлатга яна қамида 10 минг тонна пахта сотиш ва республика миқияниг 4 миллион 400 минг тонна пахтасига 52 минг тонна «оқ олтин» билан ҳисса қўшишга аҳд қилдилар.

КПСС XXIV СЪЕЗДИ ОЛИДИАН

ЗАРАФШОН ОЛТИНИДАН— ТОШКЕНТ ТРАКТОРИГАЧА

С Ъ Е З Д Д А Н — С Ъ Е З Д Г А Ч А

КПСС XXIII съезди кўрсатмаларини амалга ошираётган Ўзбекистон меҳнатқиларни халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини ривожлантиришда беш йилликда катта муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Саноатимизнинг ишчи ва инженер-техник ходимлари XXIII съезд Директиваларини бажаришга маҳкам бел боғлаб, индустриямизни мисли кўрилмаган юксакликларга кўтардилар. Биз қўйида шу беш йиллик мобайнида партия съезди топшириқлари саноат жабҳасида қандай бажарилгани тўғрисида қисқатгина ҳикоя қиламиз.

Мурувтов мамлакатдаги олтин йирик олтин қазиларидадан бири. Қонинг бош геолог Герман Пудан уни шундай таърифлайди:

— Бу хазинани очишга геологлар бир неча асрларнинг меҳнати ситган. Хазинамиз ҳам ана шу меҳнатга яраша: олтин маъданлари ер юзасига яқин жойлашган. Қон очиқ устулда маъданлар қазиб олишга мўлжаллаб ишла солиди. Юзурп Билалов, Михаил Сердюков, Владимир Бедарев сингари эскиваторчилар — қонимиз пешкадалари.

1969 йилининг июнь оинда олтин саралаш фабрикаси ва гидрометаллургия заводи ишта тушди. Шундай қилиб, Ўзбекистонда олтин қазиб олиш саноати бунёд этилди.

Биз гидрометаллургия заводининг тайёр маҳсулотлар бўлимида. Металл эритувчилар пешаналардан терларини артишади. Мастер қўлида оғирлиги ўн килограмм келадиган олтин араклаб турибди. Унга «ЗА-999» деб тамга босилди. Бунинг маъноси шунки: олтин жузди ноб, жуда тоза, у халқ хўжалигимиза хизматига шай бўлди, деган сўз.

Ўзбекистоннинг бошқа областларида ҳам олтин саралаш корхоналари қўриляпти. Шундай фабрикадан бири Тошкент областада бунёд этилмоқда. У 1973 йилда ишта тушади.

ХАЗИНАМИЗ

«Ўзбекистонда олтин чиқариш саноати барпо этилсин».

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966—1970 йилларга мўлжалланган беш йиллик пани юзасидан КПСС XXIII съездининг Директиваларини.

ГЕОЛОГ Евгений Иванович Абрамовичнинг унинг худди мўзай дейсиз. Кўиб жовонларда муштдек-муштдек келадиган кварц тошлари турибди. Евгений Иванович ана ўн беш йилдики. Қизилқумда олтин қидириди.

— Ўйла қидириш 1959 йилдан бошлаб айниқса қизиб кетди, — деб ҳикоя қилди таъкилотчи қонтолар, — 1958 йилда геодизик усулда қидирув ишларини олиб борган Ю. Мордвинцев ва П. Храмышнин бошлиқ мутахассислар саҳрода катта олтин қон бор, деган хулосага келдилар.

Зарафшон, Дарфатан, Қизилқумда ана шундай ақойиб шаҳарни айланб юрганингда ишонмай қоласан, киши. Қўп қаватли уйлар, хёбонлар, меҳр билан ўтказилган чинорлар, дўкону-кафелар меҳнатқилар поққадамга мунтазир бўлиб турибди. Илгари Зарафшонга сувни Томдан машиналарда ташиб келтиришарди. Бундан бир ярим йил муқаддам Амударёдан водопровод тортиб келинди. Шаҳар аҳли сувга сероб бўлиб қолди. Зарафшонин саҳрода қад кўтарган ва нудедаги энг қиройил шаҳарлардан бири деб тан олинган Навоий шаҳрининг унаси десан арзинди.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ОЛТИН БЕШ ЙИЛЛИГИ

«Ўзбекзолоти» комбинати аса металл қазиб чиқариш беш йиллик панини муддатидан олдин бажарди.

Республиканин олтин саноати шу беш йилликда барпо этилди. Қисқа вақт ичинда Тянь-Шань этакларида, Қизилқум, саҳросида катта-катта қонлар топилиди, олтин чиқарувчи корхоналар ва саралаш фабрикалари қўрилди.

Олтин қазиб олиш графикадан илдамроқ ўсиб бормоқда. Таркибида олтин бўлган жинсларни қазиб олиб, саралайдиган ва Қурама тоғлари этакларида қоллашар. Қўчбулоқ корхоналари комплекс лойиҳада мўлжалланган қувватдан икки баравар ўзиб кетди. Саралаш фабрикасига эга бўлган Чоқрак суда қон жадвал сурьелар билан лойиҳа қувватига яқинлашмоқда.

Ўзбекистон мамлакатда олтин чиқарувчи энг катта марказлардан бирига айланмоқда. Қорекўтон қонда янги қорача қўрилмоқда. Бу ердаги олтин қатламларига томон ер ости йўли қўрилмоқда. Қорекўтондаги асосий олтин қазинида очилмаётган йўлининг ўзиде қазиб олинаётган жинслар таркибиде ҳам қимматли металл бор. (ЎзТАГ).

Материалларнинг давомини 3-бетда ўқийсиз.

ЗАРАФШОН ОЛТИНИДАН — ТОШКЕНТ ТРАКТОРИГАЧА

◆ ИРРИГАЦИЯ ВА ПАХТАЧИЛИК УЧУН МАШИНАЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ АНЧА ОШИРИЛДИ.

◆ ФАРҒОНАДА АЗОТЛИ ҒИТЛАР ВА СУНЪИЙ ТОЛА ЗАВОДЛАРИ ҚУРИБ БИТКАЗИЛДИ. ОЛТИНТОПАН ҚУРҒОШИН-РУХ ВА МНС КОМБИНАТИ КЕНГАЙТИРИЛДИ. БУ ЕРДА КОНЦЕНТРАЦИЯЛАНМИШ МИНЕРАЛ ҒИТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИШЛАГА ҚУЙИЛДИ.

◆ УРАЛГА ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ҚЎПАЙТИРИЛДИ. БУХОРОДАГИ ГАЗ ЧИҚАДИГАН РАЙОН — ТОШКЕНТ — ФРУНЗЕ — ОЛМАОТА ГАЗ ҚУВУРИ ҚУЙИЛДИ.

◆ ТОШКЕНТ ВА НАВОНИЙ ГРЭСЛАРИ ҚУРИБ БИТКАЗИЛДИ. МИРЗАЧУЛ, ҚАРШИ ДАШТИ ВА СУРХОН-ШЕРОБОД ВОДИЙСИНИ СУҒОРИШ ҚАДАМ УЗЛАШТИРИШ ИШЛАРИ ДАВОМ ЭТТИРИЛДИ.

(СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966-1970 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIII съездининг Директиваларидан).

ДЕХҚОННИНГ СУЯНГАН ТОҒИ

БУНДАН роса қирқ йил муқаддам Ўзбекистон республикасининг биринчи президенти Нўлдўш Оқунбоев ҳозирги Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи пойдеворида 1-йилнинг қўйган эди. Бу улкан корхона Пахта бош комитетининг устаконалари негизда бунёд этила бошлади. Уша йиллар бўлгуси корхонанинг қуёв, темирчилик-пресс, янгув ва асосбозлик цехларини қуришга киришилди. Бир ёнда қозонхона, яна бир ёнда компрессор ва насос станциялари, уларнинг ёнда трансформатор подстанцияси жадал қурила бошлади. Янги завод 1934 йилнинг 20 октябрида ишла тушди. У деҳқонга нима зарур бўлса, шуларнинг ҳаммасини бунинг устига пахта заводалари учун ускуналар, қуломалар тайёрлади. Ташселимчилар пахта селласини қўйлаб ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар. Уша йил «Ташселимчилар» бир гуруҳ дондор ишчилари «Правда» газетасидан «Бизнинг селласларимиз Америка селласаларидан ўса узатдик, лекин оғида қолмайди», деб фахр билан ёзишган эди.

«Ташселимчи» заводи Совет Иттифоқидagi ҳамма қардош халқларнинг ёрдамида ўлғайди. Заводда турли милаат фарзандлари қишлоқ хўжалик техникасини яратиш учун корхона-тоғлар ишлаб келмоқдалар. «Амал Икромов ва Файзулла Хўжаевларнинг тақдирини билан 1932 йилда «Ташселимчи» заводида А. И. Лем бош инженир бўлиб келди. Қишлоқ хўжалик машинасозлигининг «пир»ларидан бири бўлган Лем илгари Ростов қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводида бош инженир бўлиб ишлаган эди.

Эндиларда «Ташселимчи» «зангори кема»лар тайёрлайдиган жаҳондаги энг йирик корхоналардан бири. Утган етти йилликда машинасозлар 36 минг терим агрегати ишлаб чиқардилар. 1968 йилнинг бошида корхона «Ўзбекистон» деб ном олган тўрт қаторли терим машинасини ишлаб чиқара бошлади. Утган йили ана шундай машиналардан планга қўйилганча таразда 800 та қўл тайёрланди. Шоймардон Қўдратов сингари қўйлаб механизаторлар ана шу машинада ишлаб, 500 тоннадан ортириб пахта термоқдалар. Бир вақтлар кетмонини ҳам чет элдан ташиб келтирган ўзбекистон машинасозлиги шу таразда юксак чўққиларга кўтарилди. Энди биз машинасозлик саноатини билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Хозир Ўзбекистон бутун Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида тайёрланган машиналардан анча кўп машина чиқармоқда. Республикасини машинасозлари кўпгина чет эл мамлакатларига ҳам машина-ускуналар етказиб бермоқда. Масалан, Андиқон машинасозлик заводи Сурияга, Таиландга ва Вьетнам Демократик Республикасида дизеллар ва марказдан қочирма насослар сотмоқда. Тошкент компрессорларини Польша Халқ Республикаси ва Болгария Халқ Республикасида ҳам учратиш мумкин. Ёки Тошкент тўқимачилик машиналарини олайлик. Иригув-пишитув машиналари жаҳон бозорида харидориги бўлиб қолди. Гарбу Шарқдаги қўлчилик тўқимачилик корхоналари Тошкент дастгоҳларини орзу қилмоқдалар.

Машинасозлар, аввало деҳқоннинг оғирини енгил қилишга даъват этилганлар. Пахта терим машиналари, ерга тўқилган пахтани янгувчи механизмлар, қўрак чувиш, қўсақ йиғиштириш машиналари, минг-минглаб селласлар ва қуломаларлар ва кечанига Тошкент тракторсозлик заводининг конвейеридан тушган яп-яңги, охори тўқилмаган пахтачиликка жуда мос бўлган кучли тракторлар — буларнинг ҳаммаси деҳқонга ишчи синфининг туҳфаси ва мададидир.

Республика машинасозлик саноатининг чиқараётган маҳсулотини ҳам, маҳсулот турларини ҳам қўйлаб ишлаб чиқариш қўлали қад ростилапти. 1970 йилда қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқариш 1965 йилдагига нисбатан учдан бирига қўйлапти. Трактор прицеплари 1,7 қўрак терим машиналари 1,9 марта ортди. Бутуниттифоқ Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрига қарашли корхоналар бу йил 1965 йилдагидан

камиди 50 миллион сўмлик қўп машиналар ва ускуналар ишлаб чиқаради. Шу беш йилликда Самарқанд шаҳрида рўзгор холодиликлари ва лифт заводалари пойдевор қўйилган эди. Яқинда хушхабар келди. Лифт заводининг биринчи навабати битди. У шу йилнинг ўзидеёқ бинокорлар ихтиёрига 250 та лифт юборади. Рўзгор холодиликлари корхонаси қурилиши жадал. Пахта тозалаш саноатини охиёт қисмлар билан янада мўл-қўл таъминлаш мақсадида Тошкентда «Холодприбор» заводи тикланипти. Йирик заргарлик фабрикаси ҳам келгусида маҳсулот беради.

Бунёд этилаётган ҳамма корхоналарини санаб адо қилиш қийин. Улар деҳқоннинг суянган тоғи бўлган республика машинасозлиги саноатининг келажиги янада ёрқин эканлигидан дарак бериб турибди.

ХИМИЯ РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛМАЛИҚДА ТАНТАНА. Шаҳар кўчалари орталабданқў Тошкентни етказди. Қўчаларга машиналар синамайди. Ҳаммаёқ тумон одам. Автобуслар лиқ-лиқ. Ҳамма Олмалиқнинг қўноқлар томонига — янги қурилган химия заводида охиққади. Катта-кичининг чехрасидан нур ётилади.

Тушга борганда қатнов тингандай бўлди. Аммофос заводи олдидан кенг майдонга одам йиғилгандан йиғилиб кетди. Корхонанинг дастлабки навабати ишга солинишига бағишлаб ўтказиладиган тантанали митинг президиумига одам ва шаҳар партия ташкилотлари, совет, хўжалик раҳбарлари, қолхоз ва совхоздан келган меҳмонлар, меҳнат билан номлари узоқ-яқинга танилган дондор ишчилар, бинокорлар қўйилди.

Митинг очилди. Сўз навабати корхона қурилишининг бош пудратчиси — «Алмаликнефтьстрой» трестининг гиш терувишлар бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Низом Ғоziқулловга келди.

Биродарлар, бригаданиз аъзолари қўп қатори ана шу катта химия заводи қурилиши бошлангандан бери ишлаб келипти. Узоқуқ ишининг заводалари жойида бўлишга ҳаракат қилдик. Қурилишнинг қийин кўнини ҳам, енгил кўнини ҳам баббаравар баҳам қўлдик. Маана, бутун эл-юрт заводи юзасини туйига йиғилди. Бу ишда қўлимиз борлигидан фахрланамиз.

Очигини айтиб қўя қолай. Олмалиқ шаҳри ва унинг атрофида қўлим тегмаган қурилиш кам. Лекин бунақасини қўрмаганам. Пойдевор қўйила бошлаганига бир йил бўлмай, корхона битиб, маҳсулотни қолхоз-совхозларга жўнатиб турибди. Бир қарашда ақл бовар қиймайдики иш. Олдинги заводалар тиклашгунча ками билан яқин-уч саратон қуради.

Ҳақиқатан ҳам шу йилнинг январь ойида ишга тушган аммофос заводининг қисқа муддатда қурилгани довруғи қор атрофга кетди. Маана шундай улкан корхоналарини зарбдор суръат билан қуришда тажриба орттириди.

Қўпни қўрган тажрибали бинокор Низом Ғоziқулловнинг ажаблантиганча бор. Завод энг замонавий нобет технология ва ускуналар билан жиҳозланди. Ун минг тоннадан ортиқ металл конструкция ўрнатилди, шу миқдорда йингма темир-бетон конструкциялари монумент қилинди. Жой-жойига қўйилган технология ва ностандарт ускуналар эса 30 минг тонна бўлди. Ишчи ташкил этишда муаммалар тармоқ графиги қўл келиши амалда исботланди.

Минерал Ғишлар пахтачилик ва сабзавот экинлари ҳосилдорлигини оширишда энг таъсирчан восита эканлигини 1970 йилгача аммофос ўғити Ўзбекистонга бошқа республикалардан ташиб келтирилганини назарда тутаяк, бу заводидаги аҳамияти қанчалик катта эканини ойиқ-ойиқ кўрилади. Корхона тўла қувват билан ишга тушса, йил 12 ойда салкам бир миллион тонна маҳсулот беради. Шунда республикамиз ташқаридан аммофос келтиришга барҳам берадиганига эмас, ўз маҳсулотини бошқа республикаларга ҳам чиқаради. Ҳолбуки, четдан бир тонна ўғитни ташиб келтириш учун йўлнинг ўзига ўрта ҳисобда 10 сўм ҳаржланади.

СЪЕЗДАН — СЪЕЗДГАЧА

Олмалиқ химия заводи қурилиши билан Ўзбекистон Иттифоқининг химия саноати энг тараққий этган республикаларидан бирига айланди. Бу саноатнинг тараққий этиши Фарғонадаги азотли ғишлар ва сунъий тола заводалари, Навоий химия комбинати билан ҳам боғлиқ. Ҳукуматимиз Фарғона азотли ғишлар заводи қурилишига бир неча ўн миллион сўм сарфлади. Фарғона водийсини азотли ғишлар билан тўла-тўқис таъминлаш мақсадида 1959 йили қурилиш ишлари бошланган эди. 1962 йили дастлабки навабати ғиш бера бошлади. 1965 йили эса Иттифоқимизда биринчи бўлиб шу корхонада пахта баргини тўқинида ишлатиладиган қимматбаҳо дефолиант — хлорит матий ишлаб чиқарилди. 1968 йили иккинчи навабати конвейеридан маҳсулот олина бошланди.

Бундан росама олти йил илгари пойдевор қўйилган Фарғона химиявий тола заводи ўтган йили Ўрта Осиёда биринчи бўлиб атласбоп хом ашёни фирмаларга жўнатди. Қурилиш келгуси беш йилликда ҳам давом этади. Шуҳрати мамлакатимизга кетган Навоий химия комбинати 1965 йилда ишга солинган эди. Ҳозир нақирон шаҳарга жойлашган комбинатда табиий газни комплекс ишлаб нитрон толаси ва бошқа бир қанча муҳим органик моддалар ишлаб чиқариладиган қувват қурилмоқда. Корхона келгусида ишлаб чиқарадиган нитрон толаси йилгига миллионлаб қўп жуининг ўрнини босади.

Партияимизнинг XXIII съезида химия саноатининг янги-янги тармоқларини тараққий эттириш ҳақида гап бўлган эди. Уша баёнотдаги гаплар ўлкаимизда ҳам амалга ошди. Минерал ғишлардан бошқа янги-янги маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган заводалар ишга тушди. Машиини химия корхоналари қўпайиб бормоқда.

ГАЗҚАЙНАР

ХИВА атрофида газ қуварлари етказиладиган оловкорларнинг қўп қўлга кетмайдиган. Иш қизигандан қизиб, Газчилар тобора Қорақўмин ичкарисига кириб бормоқдалар. Ишчи енгил деб бўлмайди. Василлий Ерайонини қўйлаб бакуват — «ЗН-157» машинасида қувар ташиб келаяпти. Нарғей эса қўм, Машина юромайди, «тиши» ўтмайди. Шунинг учун ҳам Виктор Свиридов «С-100» тракторига биттадан қувар ортиб қўм орабди тасарга йўл олади. Трактор «хасирайди». Лекин ҳар қалай бардош беради.

Биринчи участка таёир, уни синовдан ўтказилмиш, — дейди қуварчиларнинг раҳбарларидан ўртоқ Лямин. Дарҳақиқат, биринчи участка қуварлари пайвандаб бўлинди. Энди қувар ичига катта босим билан ҳаво юборилади. Қувар ичи шу тарика тозаланади. Газ қувару бунёдкорларини шу тоба ҳаяжонлиб туртишибди. Бунинг боиси бор, албатта. Ҳозирги участка қуварчиларнинг қўлидан чиқаятган участка олдинги участкалардан эмас. Бу Ўрта Осиё Марказ газ қувару учинчи навабатининг бошланғичи демекдир. Ҳозир Ўрта Осиё — Марказ газ қуварининг икки навабати ишлаб турибди. Бу иккита газ дарёси демекдир. Унга учинчи дарё — учинчи навабат қўйилса, мамлакатимизнинг марказий районларида газ оқими тенг баравар қўйлади.

Ҳозирқў Бухоро газининг шуҳрати оламга кетган. 1958 йилда Қизилқум «зангори олов»нинг довруғи эгидигани чиқа бошлаган эди. Уша йиллар Газли қонига кекса мутахассислардан Николай Шевченко раҳбарлик қиларди. Уша пайтда Газлида нари борса минг нафар одам яшарди. Посёёнканинг чеккасида ўтовлар тикланган эди. Улфат Зарифов ва Мансур Хўжаев сингари геолог ва пармақашлар ҳам ана шу Газли қонига ишлаб чиқиш қиларди, етук мутахассис бўлиб танилдилар. Эндиларда Газли қўса-қўғудек шаҳар.

1966 йили Бухоро — Урал газопроводи қуриб битказилди. Газчилар 4400 километр масофада диаметри бир метрдан ортиқроқ бўлган қуварларни етказдилар. Газ дарёси ёқасида 21 та насос станцияси ишлаб турибди. Бу йил, беш йилликнинг якуловчи йилида Уралга 19,8 миллиард куб метр газ етказиб бериш мўлжалланмоқда.

Шу йилнинг баҳорига Фрунзе шаҳрида Бухоро газининг маънасида довуллаб бўлди. «Среднеазиатский» трестининг азамат бунёдкорлари шундай қилиб Тошкент — Фрунзе — Олмаота газопроводини қуришда дастлабки марраини қўлга киритдилар. Йилгига 4,5 миллиард куб метр газ етказиб берадиган бу дарёнинг қурилиши 1970 йилда ниҳоясига етказилади. Чимкент — Жамбул шаҳарлари ва би Олмаота шаҳрида ҳам халқ хўжалигининг ривожланишига дармон бўлиб, Бухоро газини қўллашга бошлайди.

Ўрта Осиё — Марказ газ қуварининг биринчи навабати мўлжалланганидан бир йил илгари, 1967 йилнинг октябрида қурилиб битказилди. Бу дарёдан йилгига ўн миллиард куб метр газ оқиб ўтади. Ўзбекистон ва Туркманiston табиий газ манбалари мамлакатимиз марказий районлари саноатини юксалтиришга хизмат қилмоқда. 1965 йили республикамиз мамлакатда олинаётган газнинг 9 процентини етказиб беради. Эндиларда мамлакатнинг ёқили базасига айланган Ўзбекистон табиий газининг деярли олтидан бир қисмини қазиб олмақда.

УЧҚУНДАН АЛАНГА

ЎЗБЕКISTONНИИ электрлаштириш Бўсусв ГЭСидан бошланган. 1920 йилда бўлиб ўтган Бутунроссия Советлар съезида В. И. Ленин ташаббуси билан ГОЭЛРО плани тузилган эди. Унда ана шу Бўсусв ГЭСини қуриш ҳам режаланган. Уша вақтда Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистонда ростмана электр станция бўлмаган. ГЭС қурилаётганда унда ишлаш учун бирорта монтер ҳам топилмаган. Ускуна ва машиналар Германиядан ташиб келтирилган эди. Республикаимизда ilk бор ишга тушган бу станциянинг қуввати 2 минг киловатт бўлди.

Бу станция республикамиз энергетикаси тараққийига бир уқун бўлди. Шундан кейин Фарғона ва Марғилонда электр станциялари ишга туширилди. Фарҳод ГЭСи қурилди.

Отам Ҳабибулла Муҳаммаджонов Қўқонда туғилган. Катта Фарғона канали, Фарғона электр станцияси қурилишида қатнашган. Ота насбни эгалладим. Ўрта мактабни битирганидан Фарғона иссиқлик электр станциясига бордим. Ҳозир Тошкент ГРЭСида ишлапман. Электр слесарлар бригадасининг бошлиғиман. Бригаданининг қўлчилик аъзолари маҳаллий ёшлар. Деярли ҳаммаси Тошкент политехника институтининг энергетика факультетидан ўқиди. — дейди Эрнст Муҳаммаджонов.

Энди фарғон Тошкент ГРЭСида эмас, республикамиздаги барча энергетика қурилишларида маҳаллий милаат ёшларидан чиққан мутахассислар қўп. 20-йилларда шу ерлик аҳолидан бор-йўғи битта мутахассис-инженер Сайидилхон Саидхўжаев Бўсусв электр станциясига ишлаган бўлса, энди бундай кишилар қўйлаб топилди.

Тошкент ГРЭСининг директори Т. Абдураҳмон характерли бир мисол келтиради. Станция Ўрта Осиёда энг арзон электр энергия ишлаб чиқарар экан. Ҳар бир киловатт-соати 0,47 тингига тушяпти. Бугунга келиб Бухоро газини шарофати билан электр энергия ишлаб чиқараётган иссиқлик станциялари қўпайиб кетди. Навсий ГРЭСининг 8 та блоқи ҳам ишга солинган. Бу станциялардан бошланган электр узатиш линиялари ҳамма областларни қамраб олган. Тошкент, Сирдарё, Андиқон, Фарғона, Наманган ва Хоразм областларида йили чироғи тушмаган хонадон йўқ. Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Қорақўлпоғистон Автоном республикасини тўла электрлаштириш 1971 йилда таъомланган.

Ўзбекистон нурафшон бўлди. 1969 йили 15,8 миллиард киловатт-соат электр энергия ишлаб чиқарилди. Йон бошига истемолат қилинадиган электр энергия 1336 киловатт соатга етди. Биз ҳозир Покистон, Афғонистон, Эрон, Ироқ, Туркияда ишлаб чиқариладиган электр энергияга нисбатан қўпроқ электр энергия ишлаб чиқарамиз.

ОЧИЛ ДАСТУРХОН

— ҚАРШИ чўли афсоналарда таъриф-таъсиф этилган очил дастурхонга ўхшайди. Бунақа нафдек текис, бўрсиллаб, куч йиғиб ётган чўл кам. Тухум қўйсангиз, бир чақиримдан қўринад. Фақат очил дастурхонини очадиган тилсим — сув йўқ. Ана шу тилсимни чўлга етказиб келиш муаммоси асрлар оша ечимали келди. Бу ишга совет замонасидигина астойдил киришилди. Амударёдан Қарши чўлига сув чиқариш ишлари бошланди. Чўл асрий уйқусидан уйғонмоқда.

Бу «Қаршиюрт» трести бошлиғи Х. Шогазиевнинг сўзлари.

Чўли ўзлаштиришнинг бошланғичи «Қаршиюрт» трести билан қамбармас боғлиқ. 1963 йили чўл қўсига шаҳар ва посёлкалар қуриш. Қарши магистрал каналини навлал ишларига ҳозирлик қилиш бошланган, бўлажак совхозларнинг ерлари, ирригация тармоқлари ўрнини белгилаш, планлаштиришга киришилган эди. Ушундан буюн у ерга мамлакатимизнинг узоқ-яқинидан чўл қувишни орзу қилганлар келаяпти. Қизгин иш бормоқда. 1965 йилдан буюн бу ерда бажарилган юмушлар ҳажми 200 миллион сўмга етди. Бугунги ишлар чўлнинг инсон изми билан юрадиган қунари яқинлашаётганидан дарак



Бухоро области. Улкан Навоий химия комбинати ишчи, инженер-техник ходимлари КПСС XXIV съездининг аргументли туҳфалар билан кутиб олиш мақсадида баракали меҳнат қилишайтир. Улар йиллик планини 25 денаргача баънаришга ақд қилишган. Суратларда: қишлоқ хўжалигига мўл-қўл азот минерал ўғити етказиб бериш учун гайрат кўрсатаётган компрессор цехининг катта машинисти Эркин Тошев ва комбинат ишлаб чиқарш участкаларидан бирийини.

А. Говорник фотоси (5/2/70).

бериб турибди. Қимсасиз, одам юрса оёғи, қўш уса қаноти қуддиган жойларда чўл қўсига тақилган гулдек бўлиб Талимаржон, Дўстлик, Қизилқўш шаҳарчалари қад кўтарди. Амударё сувини даст қўйиб 132 метр ююрга чиқарадиган ва сувниз жойларга етказиладиган Қарши магистрал канали ва каналнинг олтига насос станцияси қурилмоқда. Каналнинг бош қисмида тўпроқ ишлари туғалланди. Бу йил ремонт-механика заводи, роппа-роса мингта автомашинага хизмат қиладиган авторемонт заводи ишга тушади. Темир-бетон буюмлари ва Шаҳрсабз шағал заводи қурилишлари ҳам киемга етай деб қолди. Чўлда жами 10 минг киши кутлуг мақсад билан ишляпти.

Бу КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Қарши чўлини ўзлаштириш ишларини жадаллаштириш тўғрисида қабул қилган қарори ижро этилаётганини мисоллиди. 1974—1975 йилларда чўл 100 минг тонна пахта бериши, яқин келажакда бу ердан йилгил олинладиган ҳосил 1 миллион 300 минг тоннага етиши, 100 та йирик пахтачилик совхозлари ташкил этилиши керак.

Қақшадарё хазинасини очиб ишлариди Мирзачўлини ўзлаштириш таърибисидан кенг фойдалланилмоқда. Канал қурилишида 623,7 минг куб метр бетон ишлари қилиниши, 10 миллион тонна металл конструкциялар ишлатилиши, 1850 километр масофадан бетон каналлар чўл қўсига сув этилиш режалангани бир хўплас сувнинг ҳам бекор кетишига йўл қўймайди.

Қақша воҳасини пахтазорга айлантиришга азму-назор қилган чўлуварлар эстафетини Сурхон — Шеробод водийсида ер ўзлаштирилганлардан олшган эди. 1961 йили Жеиубий Сурхон сув омбори қурилиши билан, Сурхондарё областида 100 минг гектар атрофиди ерни экинзорга айлантириш ишлари бошланган эди. Бу ерда 13 та совхоз ташкил этиш мўлжалланди. Бугун Сурхон — Шеробод чўлининг 45 минг гектари пахтакорлар хизматига бўйин қилган. Олтинчи, учинчи, туртинчи, биринчи совхозларнинг экин майдонлари ҳозирдек бут бўлди. Келаси беш йил ичига ўрта совхоз тўла қувват билан ишлаб бошлайди. Икки қўшга областини Қарши ва Сурхон — Шеробод чўллари республикамизда «оқ олтин» етиштиришни қўпайтиришдек готт муҳим вазифани тўла-тўқис адо этишда катта манба бўлиб хизмат этмоқда.

БЕШ ЙИЛЛИК ОХИРЛАБ ҚОЛДИ. СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАШТИРИШНИНГ 1966—1970 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНИ ЮЗАСИДАН КПСС XXIII СЪЕЗДИНИНГ ДИРЕКТИВАЛАРИДА ҚУЙИЛГАН УЛКАН ВАЗИФАЛАР ТўЛА-ТЎҚИС БАЖАРИЛМОҚДА. ЗАВОД ВА ФАБРИКАЛАРДА, ҚОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРДА, БАРЧА ТАШКИЛОТЛАРДА ПЛАНИН НОЯБРЬ БАЙРАМИГАЧА ТўЛА-ТЎҚИС БАЖАРИШ ҲАРАКАТИ ОММАВИЙЛАШИБ КЕТДИ. ЮҚОРИДА ТИЛГА ОЛИНГАН ТАРИХИЙ ИШЛАР АНА ШУ МЕХНАТКАШЛАР КўРСАТГАН ГАЙРАТ ВА ШИЖОАТ МЕ. ВАСИННИНГ БИР ШИЙИГЛИ. ХОЛОС, ЯКУНЛАНАВТГАН БЕШ ЙИЛЛИК ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИМИЗНИНГ ТАРАҚҚИЙИДА ЯНА БИР КАТТА ВОСҚИЧ БЎЛДИ. ҲОЗИР КЕЛГУСИ БУЛАДНИНГ ИСТИҚБОЛ ПЛАНИНИ ТУЗИШ ИШЛАРИ КЕТАПТИ. ПАРТИЯ ВА ҲУКУМАТИМИЗ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ЯНГИ ТАРАҚҚИЕТ ПЛАНИНИ РЕЖАЛАНМОҚДА. БУ ПЛАНЛАР ХАМ ИДГАРИТГИЛАРИ СИНГАРИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИЛАДИ. ЧЎНИН У МЕХНАТКАШЛАРИНИНГ ХАЕТИ ЯНАДА ФАРОВОН БЎЛИШИНИ, МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ҚУДРАТИ, ОБР-ЭЪТИВОРИ ЯНАДА ОШИШИНИ, МАМЛАКАТИМИЗДА МЎЛ-ҚЎЛЧИЛИК ВЪЛИШИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ.

ҚАРШИ машина каналининг 2-часос станцияси жадал суратлар билан барпо этилди. 24-нўма механизациялашган колонанинг меҳнатсевар монтежчилари станциядаги дастлабки ускуналарини монтеждан чиқаришайтир. Суратларда: смена топшириқларини доимо ортириб бажараятган монтежчилардан И. Денисов, А. Варажикин ва А. Аббурсин уртолдан ҳамда 2-часос станциясининг умумий юрилиши аяс этирилиган.

А. Тўраев фотолари.



